

Муте аёлнинг фазилати



09:40 / 27.03.2019 5050

Аллоҳ таолодан қўрқувчи аёл Аллоҳга ва эрига астойдил итоат қилиши, розилигини қозонишга жидду жаҳд билан ҳаракат қилиши лозим. Зеро, эр аёлнинг жаннати ёки дўзахидир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларки: **«Қайси аёл вафот этса-ю, эри ундан рози бўлса, жаннатга киради»** (Термизий, Ҳоким ривояти).

Бошқа бир ҳадиси шарифда: **«Агар аёл беш вақт намозини ўқиса, фаржини - иффатини сақласа ва эрига итоат қилса, жаннатнинг истаган эшигидан киради»**, дейилган (Ибн Ҳиббон ривояти).

Ривоят қилинадикки, эрига итоаткор аёл ҳақиқа, модомики эри ундан рози бўлар экан, ҳаводаги қушлар, сувдаги балиқлар, осмондаги фаришталар ҳамда қуёш ва ой истиғфор айтади.

Қайси бир аёл эрига осийлик қилса, унга Аллоҳнинг, фаришталар ва барча инсонларнинг лаънати ёғилади.

Қайси бир аёл эрининг юзига хўмрайиб қараса, то эрига табассум қилиб, кўнглини олмагунича, Аллоҳ ундан норози бўлади.

Қайси бир аёл уйдан эрининг рухсатисиз чиқса, то қайтгунича, унга ғаришталар лаънат айтишади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларки: **«Дўзахга боқиб, унинг кўпчилик аҳли аёллар эканини кўрдим».**

Бунинг сабаби аёллар Аллоҳ ва Расулига ҳамда эрларига кам итоат қилиб, кўп ясан-тусан қилишларидир. Яъни, улар кўчага чиққанларида пардоз-андоз қилиб, ўзларига зеб бериб, чиройли, ялтир-юлтир кийимларини кийиб, бегона эркакларни фитнага солиб юрадилар. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аёл киши авратдир. Агар у уйдан чиқса, шайтон унга кўз тикади»**, деганлар *(Табароний ривояти)*.

Аёл қанчалик уйда муқим бўлса, шунчалик Аллоҳга яқин бўлади.

Бошқа бир ҳадиси шарифда шундай дейилган: **«Аёллар авратдир. Бир аёл уйдан чиқади ва унинг хаёлида ёмонлик бўлмайди. Бироқ шайтон унга кўз тикади ва: «Сен қайси эркакнинг олдидан ўтсанг, уни ажаблантирдинг»**, дейди. Аниқки, бир аёл кийимларини кийиб олади. Унга: **«Қаёққа кетяпсан?»** дейилса, у: **«Касални кўриб келаман»** ёки **«Жанозага қатнашаман»** ва ё **«Масжидда намоз ўқийман»**, дейди. **Ҳолбуки, ҳеч бир аёл Раббига уйда ибодат қилганидек ибодат қилган эмас»** *(Табароний ривояти)*.

Шайтон аёлнинг елкасига миниб олишининг сабаби – у уйдан ташқарига чиққан ва шайтон ўзига ҳоким бўлиб олишига йўл очиб берган. Ҳеч бир аёл Раббига ибодат қилиб, эрига итоат қилиб, уйда ўтирганичалик, Аллоҳ розилигини қозонишга интилмаган.

Али розияллоҳу анҳу аёллари Фотимадан: **«Эй Фотима, аёл киши учун энг яхши нарса нима?»** деб сўраганларида, у зоти шарифа: **«У (бегона) эркакларни кўрмаслиги ва (бегона) эркаклар уни кўрмаслиги»**, дея жавоб берганлар.

Али розияллоҳу анҳу: **«Уялмайсизларми? Рашкингиз келмайдими?! Хотинингиз эркаклар орасига чиқиб юришига имкон берасизлар-да, яна у уларга қарайди, улар унга қарайди, дейсизлар»**, дер эдилар.

Умму Салама розияллоху анҳо айтадилар: «Маймуна иккимиз (булар Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг аёллардир) Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам ҳузурларида эдик. Бир пайт Ибн Умму Мактум кела бошлади. Бу воқеа ҳижобга буюрилганимиздан кейин бўлаётган эди. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам: «Ундан ҳижобланинглари (ўзингизни парда ортига олинглари)» дедилар. Биз: «Ё Расулуллох, у киши кўр эмасми? Бизни кўрмайдилар-ку», деган эдик, у зот: «Нима, сизлар ҳам кўрмайсизларми? Уни кўрмаяпсизларми?» дедилар» (Абу Довуд, Термизий ривояти).

Эркаклар номаҳрам аёллардан кўзларини тийишга буюрилганларидек, аёллар ҳам номаҳрам эркаклардан кўзларини тийишга буюрилганлар.

Мабодо, аёл киши ота-онасини ёки қариндошларини зиёрат қилиш, ҳаммомга бориш каби зарурий ишлар учун ташқарига чиқишга мажбур бўлса, ясан-тусан қилмасдан, ўзига оро бермасдан, кенг, қалин кийим кийиб, эрининг рухсати билан чиқсин. Йўлда кетаётганида у ёқ-бу ёққа алангламасдан, ерга қараб, йўл четидан юриши лозим. Илло, осий бўлади.

Ҳикоя қилишларича, бир аёл уйдан ташқарига чиққанда ясан-тусан қилиб юрар эди. У вафот этгач, қариндошларидан бири тушида уни кўрибди. У Аллох азза ва жалла ҳузурига юпқа кийимда борибди. Шу пайт бирдан шамол эсиб, аёл очилиб қолибди. Аллох таоло ундан юз ўгирибди-да: «Уни чап томонидан ушлаб дўзахга ташланглари. У дунёда ясан-тусан қилувчилардан эди», дебди.

Муоз ибн Жабал розияллоху анҳу ривоят қиладилар: **«Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: «Биронта аёл дунёда эрига озор берса, у (киши)нинг ҳурули ийнлардан бўлган хотини: «Аллох ҳалок қилгур, унга озор берма. У сенинг олдингда вақтинча меҳмон холос. У яқинда сендан ажраб, бизга келади», дейди»** (Термизий ривояти).

«Гуноҳи кабиралар» китобидан